

**“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг  
2021 йилнинг 2 чорак даври ҳисоботи**

Тафтиш комиссияси раиси У.Т. Тураев ҳамда аъзолари Н.Д. Сагдуллаева ва Х.Б. Назаровлар томонидан 2021 йилнинг 2-чорак даврининг молиявий ҳисоботлари қуйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ устав капитали 2 968 227 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2021 йил 1 июл ҳолатига ходимлар сони 748 кишини ташкил этган. 2020 йил шу даврига нисбатан ходимлар сони 37 кишига камайган.

2021 йил 1 июл ҳолатига ўртача ойлик иш ҳақи 3 094 888 сўмни ташкил этган. 2020 йил 1 июл ҳолатига нисбатан 735 278 сўмга ошган.

2021 йил 2 чорак даври мобайнида “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб **13 437 823 минг сўмга тенг**. Шундан,

- Асосий фаолиятини даромадлари – **12 972 994 минг сўмни**,
- Бошқа даромадлар – **464 829 минг сўмни** ташкил этган.

Жамиятнинг 2021 йил 1 июл ҳолатига жами бўлиб харажатлари **13 415 760 минг сўмни** ташкил этган.

Шулардан,

- Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннарихи **11 523 406 минг сўмни**;
- Давр харажатлар жами бўлиб **1 892 354 минг сўмни** ташкил этган.

Шундан:

- маъмурий харажатлар – 1 017 096 минг сўмни;
- бошқа операцион харажатлар – 875 258 минг сўмга тенг.

2021 йил 2 чорак ҳолатига солиқларни тўлагунга қадар фойда **22 063 минг сўмни** ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса **18 753 минг сўмни** ташкил этади.

2021 йил 1 апрел ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 15 716 414 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 9 243 399 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 6 473 015 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни 1 июл ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 15 700 715 минг сўмни, эскириш қиймати 9 383 994 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 6 316 721 минг сўмни ташкил этган.

2021 йил 1 апрел ҳолатига дебитор қарздорлик 7 811 084 минг сўмни ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 545 923 минг сўмга камайиб 1 июл ҳолатига 7 265 161 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

Аналитик расшифровка илова қилинади:

Кўрсаткичлар номи	2021 йил 1 апрел ҳолатига		2021 йил 1 июл ҳолатига	
	минг сўм	%да	минг сўм	%да
<b>Дебиторлар, жами:</b>	<b>7 811 084</b>	<b>100</b>	<b>7 265 161</b>	<b>100</b>
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900нинг айирмаси)	1 554 436	19,90	1 417 749	19,51
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	4 830 536	61,84	4 708 077	64,80

Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	15 174	0,19	4 213	0,06
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	659 305	8,44	1 003 456	13,81
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	742 266	9,50	127 155	1,75
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари	7 190	0,09	4 291	0,06
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	1 957	0,03		
Бошқа дебитор қарздорликлар (4800)	220	0,01	220	0,01

2021 йил 1 апрел ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 13 044 622 минг сўмни ташкил этган бўлса 2021 йил 1 июл ҳолатига эса 1 655 490 минг сўмга кўпайиб 14 700 112 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади. Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Аффилиланган шахслар билан тузилган шартномалар жамиятнинг 2021 йил 2 чорак даври ҳолати ўрганилганда шу муддат ичида жами бўлиб 5 та аффилиланган шахслар билан шартнома тузилгани маълум бўлди. Шунингдек, аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаган.

“Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ  
тафтиш комиссияси раиси

 У.Т. Тураев

Тафтиш комиссияси аъзолари

  


Н.Д. Сагдуллаева

Х.Б. Назаров